

Мусибат чоғида ҳаддидан ошиш



18:00 / 10.01.2019 4475

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Юзларига урадиган, ёқаларини йиртадиган ва жоҳилият даъволари билан бақириб-чақирадиган кимсалар биздан эмас»** (Бухорий ривояти).

Абу Бурда розияллоҳу анҳу айтадилар: «Абу Мусо Ашъарий дардга чалиндилар. Бошларини аёлининг тиззасига қўйган ҳолда ҳушларидан кетдилар. Аёли зорланиб дод-вой қила кетди. Уни бирон йўсин билан қайтаришга қурблари етмади. Ўзларига келгач: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пок-бегона бўлган кимсалардан покман. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса, мусибат чоғида дод-вой солиб бақирадиган, сочларини юладиган ва кийимларини йиртадиган аёллардан покдирлар», дедилар» (Бухорий ва Муслим ривояти).

Мазкур ҳадисда баён қилинган ноўрин хатти-ҳаракатлар ҳаром эканлигига уламолар иттифоқ қилишган. Худди шунингдек, сочини ёйиб олиш, яноқларига шапатилаш, юзини юмдалаш ва ўзига ўлим – ҳалокат тилаш ҳам ҳаромдир.

Умму Атийя (розияллоҳу анҳо) айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биздан байъат чоғида дод-вой солиб йиғламасликка аҳд олганлар» (Бухорий ривояти).

Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Инсонлар ўзларидаги нарса сабабли кофир бўладилар, насабга таъна қилиш ва маййитга дод-вой солиб йиғлаш»** (Муслим ривояти).

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу айтадилар: «Абдуллоҳ ибн Равоҳа хушларидан кетдилар. Синглиси йиғлаб: «Эй тоғим, эй фалоним, эй фистоним», дея санай кетди. У зот хушларига келгач: «Сен нима деган бўлсанг, мендан «Сен шунақамисан?» деб сўрашди», дедилар».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Дод-вой солиб йиғлаганликлари сабабли маййит қабрида азобланади»** (Бухорий ва Муслим ривояти).

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қайси одам ўлса-ю, унинг йиғловчилари: «Эй суюнган тоғим, эй саййидим», деса ёки шу каби сўзларни айтса, маййитга икки фаришта вакил қилинади-да, кўкрагидан итаришиб: «Сен шунақамисан?» деб сўрашади»** (Термизий ривояти).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам яна айтганлар: **«Дод солиб йиғловчи аёл агар ўлмасидан олдин тавба қилмаса, қиёмат кунда қатрондан (қора елимдан) кўйлак ва қора қўтирдан совут кийган ҳолда турғазилади»** (Муслим ва Ибн Можа ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: **«Мен икки аҳмоқона, гуноҳкорона овоздан қайтарилдим: хурсандчилик вақтдаги овоз - ўйин-кулги ва шайтон сурнайи (нағмаси) ҳамда мусибат чоғидаги овоз, юзни юмдалаб, ёқани йиртиш ва зорланиш»** (Термизий ривояти).

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳу айтадилар: **«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дод солиб йиғловчи ва унга қулоқ солувчи аёлларни лаънатлаганлар»** (Абу Довуд ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Икки овоз дунё ва охиратда лаънатлангандир: неъмат - хурсандчилик вақтидаги наъма ва мусибат чоғидаги зорланиш»** (*Баззор ривояти*).

Ривоят қилинишича, дод солиб йиғловчилар қиёмат куни жаҳаннамда икки қатор қилиб терилади. Бири ўнг тарафда, иккинчиси чап тарафда. Улар дўзах аҳлига қараб худди итлар сингари акиллайдилар.

Авзўий айтадилар: «Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бир ҳовлида йиғи овозини эшитиб, у ерга кирдилар. Ёнларида шериги ҳам бор эди. У ердаги аёлларни туртиб-суриб ўтиб, дод солиб айтиб йиғловчи аёлнинг олдига бордилар-да, уни урдилар. Аёлнинг устидан ёпинчиғи тушиб кетди. «Ур уни, - дедилар. - У дод солиб йиғловчидир, беҳурматдир. У сизларнинг қайғуларингизга шерик бўлиб йиғлаётгани йўқ, балки пулларингизни олиш учун кўз ёшларини тўкяпти. У қабрлардаги ўликларингизга озор беради. Чунки у сабрдан қайтаради, ҳолбуки, Аллоҳ сабрга буюрган. У бетоқатликка буюради, ҳолбуки Аллоҳ ундан қайтарган».

Дод солиб йиғлаш - овозда маййитнинг яхши хислатларини санаб йиғлашдир.

«Гуноҳи кабиралар» китобидан